

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*Мирзаев Жаҳонгир Муҳаммаджон ўғли*

*Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси магистранти*

**Аннотация.** Кредитлар тижорат банклари активларининг умумий ҳајсмида нисбатан юқори салмоқни эгаллаганлиги сабабли, кредит портфелини бошқариши тажомиллаштириши банкнинг ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашининг муҳим омили ҳисобланади. Ушибу мақолада иқтисодий адабиётларда олимларнинг тижорат банкларининг кредит портфели ҳақидаги назарий қарашлари, тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариши самарадорлигини ошириши йўллари муҳокама қилинган.

**Калим сўзлар:** тижорат банки, кредит, кредит портфели, муаммоли кредит, даромад, риск, фоиз ставкаси, захира.

Тижорат банки кредит портфелининг концепцияси ва моҳиятини аниқлаш масаласига бир қатор ёндашувлар мавжуд бўлиб, турли иқтисодий адабиётларда бир қатор хорижлик олимлар, рус олимлари ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан турлича талқин қилинган.

Масалан америкалик иқтисодчи олимлар Крис Ж. Барлтон, Диана Мак Нотон кредит портфели — бу кредитларни турқумлашни ўз ичига олади деб таърифлашади. Бу таъриф банк кредит портфелини бир қисмини ифодалайди.

Россиялик иқтисодчи олим Н.Соколинская “кредит портфели қиска ва узок муддатли кредитлар йигиндисидан иборат” деб таърифлайди. Бу таърифда асосий эътибор кредитнинг муддатига қаратилган бу ҳолат кредит портфелининг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Чунки, банк томонидан берилган кредитларнинг муддатини белгилаб қўйилиши ва унга риоя

қилиниши фақат кредит портфелининг сифатини аниқлашда мухим омил бўлиши мумкин.

Яна бир Россиялик машхур иқтисодчи олим О.И.Лаврушин “кредит портфели тушунчаси банк ишида одатда бир ёки бошқа банкнинг кредитлари йиғиндиси тушунилади” деб таъриф беради. Шу билан бирга у банкда кредит портфелини шакллантириш ва уни таҳлилини олиб бориш тижорат банкининг стратегия ва тактикасини аниқ ишлаб чиқиш имконини бериб, мижозларни кредитлаш имкониятини оширади деб ҳисоблайди.

Л.И.Абалкин, Г.С.Пановаларнинг фикрича, тижорат банкларининг кредит портфели — бу кредитларнинг сифат ва таркиби бўйича туркумланишидир. Бу таърифда, фикримизча кредит портфелининг моҳиятини очиб беришга ижобий ёндашилган. Ижобийлиги шундаки, улар кредитларнинг сифат таркибига қараб маълум омилларни ҳисобга олган ҳолда туркумлаш зарурлигини таъкидлайдилар

Бу соҳада маҳаллий иқтисодчи олимлар Ш.З.Абдуллаева, Т.С.Маликов, С.Х.Норқобилов, Т.М.Қоралиев, З.А.Холмаҳмадов, М.Б.Нурмуродов, А.К.Қодиров, Н.Ф.Каримов ва бошқаларнинг илмий изланишлари диққатга сазовордир.

Иқтисодчи олима Ш.З.Абдуллаеванинг фикрига кўра, банкларнинг кредит портфели – бу турли хил кредит рискларига асосланган муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабарининг йиғиндисидир. Иқтисодчи олима ўз таърифида кредитларнинг маълум бир мезонлар асосида туркумланишига, шу билан бирга кредит рискларига алоҳида тўхталиб ўтган.

Юқорида кўриб чиқилган таърифларнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилган ҳолда кредит портфелига қўйидаги таъриф бериш мумкин деб ҳисоблаймиз: банкнинг кредит портфели — бу банкнинг кредит операцияларини амалга ошириш учун зарур саналиб, банк томонидан берилган жами кредитларнинг йиғиндисини ўзида ифодалайди.